

## ЮРТИМИЗ ОБОД БЎЛСИН!

Республикада шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларига замонавий қиёфа баҳш этиш мақсадида, шу жумладан республика туманлари ва шаҳарларидағи мавжуд ободонлаштириш масалалари бўйича ташкилотлар (бўлинмалар) негизида ободонлаштириш бошқармаларини ташкил этиш йўли билан ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан изчил чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техник жиҳатдан етарлича таъминланмаганилиги ва жиҳозланмаганилиги, малакали кадрлар етишмаслиги, уларни моддий рафбатлантириш ва ижтимоий таъминлашнинг паст даражада эканлиги, давлат-хусусий шериклик суст жорий этилганилиги, шунингдек, ушбу соҳада таъсиричан жамоатчилик назоратининг йўқлиги аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида комплекс чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этмоқда. Шу муносабат билан. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4351 сонли қарори қабул қилинди.**

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида, шунингдек, «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ қўйидагилар ободонлаштириш соҳасида ишларни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланди:

Аҳоли пунктлари худудларини ободонлаштириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш;

ободонлаштириш соҳасида норматив-хуқуқий база, стандартлар, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда янгилаш;

— тасдиқланган стратегиялар асосида шаҳарларнинг кўча-йўл ва жамоат жойларини комплекс ривожлантиришни таъминлаш, худудларни ободонлаштириш масалаларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш;

ободонлаштириш соҳасида давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини босқичма-босқич жорий қилиш;

ободонлаштириш бошқармаларининг куч ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг ишини оптималлаштириш, кўл меҳнатини камайтириш, юзага келаётган муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдиришга, шунингдек, самарали, шу жумладан жамоатчилик назоратини таъминлашга йўналтирилган инновацион ечимларни жорий қилиш;

ободонлаштириш соҳаси ходимларига муносаб мөхнат шароитларини яратиш, уларни моддий рафбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш даражасини ошириш белгиланган.

**Эндилиқда мазкур қарорга асосан. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги худудларни ободонлаштириш соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва методологик таъминлаш учун масъул орган этиб тасдиқланди.**

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий базани таомиллаштириш бошқармаси тегишли

равишда вазирлик марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сонини кўпайтириб, 2 нафар қўшимча штат бирлиги ажратилган ҳолда Уй-жой коммунал хўжалиги ва худудларни ободонлаштириш соҳаларининг методологик базасини таомиллаштириш бошқармасига айлантирилиши белгилаб қўйилди.

**Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликларидан жойларда худудларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида зарур ахборотни сўраб олиш хуқуқи берилди.**

Ушбу қарорда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг, «Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш тўғрисидаги таклифи мақулланди.

«Обод ҳудуд» ахборот тизимини яратиш бўйича буюртмачи этиб Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги белгиланди.

Шундай тартиб жорий қилинди, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

шаҳар кўчаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета хужжатлари параметрларида ушбу кўчаларнинг туаш худудларини ободонлаштириш (ирригация тармоқлари, ёритиш элементлари, кўкаламзорлаштириш, йўлаклар, ахлат қутилари, кичик меъморий шакллар ва бошқалар) бўйича комплекс тадбирлар мажбурий тартибида назарда тутилган.

**А.ХУШМАНОВ,  
Уй-жой коммунал хўжалиги ва худудларни ободонлаштириш соҳаларининг методологик базасини таомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосаси.**